
РИШТОН ТУМАНИ ҲОКИМИ СУФҲОНЖОН СОЛИЕВНИНГ ТУМАН АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Азиз тумандошлар!

“COVID-19” коронавирус пандемияси туфайли бутун дунё жамоатчилиги мураккаб даврни ўз бошидан кечирмоқда. Мамлакатимиз Президенти мухтарам Ш.Мирзиёевнинг шахсан саъй-ҳаракатлари, Республика ҳукумати Махсус комиссиясининг амалга ошираётган чора-тадбирлари натижасида юртимиз аҳолисини ушбу вирус таъсиридан ҳимоялаш, соғлигини таъминлаш бўйича кенг кўламдаги амалий ишлар тизимли йўлга қўйилган. Бу тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кунлик маълумотлар ёритиб борилмоқда. Шу ўринда, тумандаги эпидемиологик ҳолат барчани қизиқтириши табиий. Айтиш кунда туман бўйича “COVID-19” коронавирус инфекциясига фуқаролардан таҳлиллар олинди. Коронавирус касаллигини олдини олиш мақсадида аҳолини босқичма-босқич эмлаш (вакцинация) тадбирлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда туманда касалликка чалинган фуқаролар қайд қилинмаган бўлса-да, захира тариқасида шифо ўринлари тайёрланди. Ушбу масканлар барча тиббий жиҳозлар ва дори-воситалари билан таъминланган. Шошилиш ҳолатларида “COVID-19”ни аниқлаш учун экспресс тест захираси яратилган. Туманимизда коронавирус инфекцияси бўйича эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш мақсадида бу борадаги фаолиятимизга жиддий эътибор қаратишни, тезкорлик ва узлуксизлик мунтазам таъминлаб борилмоқда.

Азиз тумандошлар!

Умуман олганда қанчалик мураккаб вазиятда бўлмайлик ҳаёт давом этаверади. Мухтарам Президентимиз бот-бот таъкидлаганларидек, биз шундай шароитда яшаш ва ишлашга ўрганишимиз керак. Шундай экан, касалликка қарши курашиш билан бир вақтда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун жуда қаттиқ меҳнат қилишимиз зарур. Биз ўзимизнинг олдимизга қўйган режаларимизни албатта уддалаймиз. Дуолар ижобат бўладиган ушбу муқаддас ойда барчангизга соғлиқ-саломатлик тилайман, санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишни яна бир бор таъкидлаб, ўтаман!
Ўзингиз ва оила аъзоларингиз асраб-авайланг!

2021-04-18 10:41:02